

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2021 йил октябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ўз биносида, ИИВ хузуридаги жазони ижро этиш Департаменти 2-минтақавий ҳудуд 10-сонли тергов ҳибсхонаси билан видеоконференц алоқа режимида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Миножиддинов, Д.Эргашеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси А.Хапизов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси М.Паёзова, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Е.Ким, жабрланувчи [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] ва [REDACTED] ларга оид 1-1501-2105/1787-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

1. [REDACTED] - 1997 йил 27 январда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, [REDACTED] -хонадонда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида 2021 йил 22 июлдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 5 август куни олган,

2. [REDACTED], 1987 йил 1 февралда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, 1 нафар фарзанди 4 ёшли бор, ҳомиладор, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2021 йил 16 июнь кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазони ўтамаган, ёлланма ишчи, [REDACTED] -хонадонда яшайди, иш бўйича "муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат" эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 5 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан айбланганлар.

Суд, судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, ишдаги далилларни ҳар томонлама тўла ва объектив тарзда текшириб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] лар жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этишган.

Жумладан, [REDACTED] шаръий никоҳ асосида бирга яшовчи турмуш ўртоғи [REDACTED] билан бирга 2021 йил 3 июнь куни соат 01-00 ларда Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 28-уй 41-хонадонга маст ҳолатда келишиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимай, хонадон эшигини уриб тепиб, уйда яшовчи [REDACTED] ва унинг турмуш ўртоғи [REDACTED] ни ташқарига чиқишини талаб қилиб, ўзларининг безорилик ҳиссини ошқора намойиш қилиб, гўёки [REDACTED] телефон орқали уни ҳақорат қилганини рўқач қилиб, сунъий жанжал чиқаришга уриниб, [REDACTED] хонадон эгаси [REDACTED] ни қўли билан уриб дўппослаб, тан жароҳати етказишган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи [REDACTED] билан бирга 2021 йилнинг 3 июнь куни соат 01-30 ларда Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 28-уй олдида [REDACTED] ва [REDACTED] билан жанжаллашиб, бақир-чақир қилиб, безорилик ҳаракатини содир этаётган вақтида, безорилик ҳаракатини олдини олиш чорасини кўриш учун чақирувга асосан етиб келган ҳокимият вакили ҳисобланган шаҳар ИИО ФМБ 1-сон ИИБ ХПГ ТП профилактика инспектори [REDACTED] жабрланувчилар вилоят ИИБ ЖТСБ ва ППХ 1-батальон 4-отряд бўлинма командири [REDACTED] ва 4-отряд навбатчи ҳайдовчиси [REDACTED] ларнинг жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ҳақидаги қонуний талабларини бажармасдан, уларга фаол қаршилик кўрсатишиб, ППХ ходимларининг хизмат автомашинасига чиқишдан ва ички ишлар органлари биносига боришдан бош тортишиб, оёқлари билан хизмат автомашинасига таяниб, ўзини орқага ташлаб, уни ушлаб турган [REDACTED] ни устига босиб тушиб, унинг хизмат кийимини қўллари билан тортиб йиртиб, унга тан жароҳати етказишган.

Вилоят наркология диспансери томонидан берилган 03.06.2021 йил кунги 01-06/45-сонли алоқа хатида, фуқаролар [REDACTED] ва [REDACTED] да алкоғолдан мастлик ҳолати аниқланганлиги кўрсатилган.

Суд тиббий экспертизасининг 07.06.2021 йилдаги 3807-сонли экспертиза хулосасида, [REDACTED] ни бўйин ва чап елка бўғимида тирналмалар ҳамда ўнг тирсак бўғимида шилинма аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ чегараланган юзали жисмларни зарб ва ишқаланиш механизмлари таъсирида юзага келган бўлиб, бу тан жароҳатлар 6 кундан кўп давом этмайдиган озгина, тез ўтиб кетувчи енгил шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йилнинг 2 июнь куни яшаш хонадонида шаръий никоҳ асосида бирга яшовчи турмуш ўртоғи [REDACTED] билан бирга спиртли ичимлик истеъмол



қилиб овқатланиб ўтирган вақтларида унинг телефонида таниши [REDACTED]нинг шаръий турмуш ўртоғи [REDACTED] кўнғироқ қилиб, уни ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлагани, у нима сабабдан бундай қилаётганлигини сўрагани, шу вақт телефонни [REDACTED] олиб, аёл киши бўлса ўзи гаплашишини айтганлиги, телефонда [REDACTED] [REDACTED]ни ҳам бесабаб ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлагани, шунинг учун у ва [REDACTED] ўзаро гаплашиб олиш учун [REDACTED]ни яшаш хонадони-Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 28-уйга борганликлари, ушбу кўп қаватли уйнинг 2-қаватига чиқиб, унинг хонадони эшигини тақиллатганлиги, [REDACTED] ва [REDACTED]лар уй эшигини очишгани, сўнг у ва [REDACTED] хонадон эшигидан коридорга киришгани, у [REDACTED] ва [REDACTED]лардан нима сабабдан ҳақорат қилганликларини сўрагани, [REDACTED] тушунтириш бермасдан уни ва [REDACTED]ни яна ҳақорат қилганлиги, [REDACTED] ва [REDACTED] ўзаро жанжаллашиб кетишгани, улар жанжаллашаётган уйнинг киравериш йўлаги тор бўлганлиги сабабли [REDACTED] турмуш ўртоғи [REDACTED]га яқинлашганини кўриб, уни уриши мумкин деб ўйлаб, [REDACTED]ни бир неча маротаба уриб юборганлиги, жанжални эшитган кўшнилар чиқиб келганлиги, сўнг у ва [REDACTED] пастга тушишганлиги, "Spark" автомашинасида профилактика инспектори бир нафар ёрдамчиси билан келиб, ундан бу ерда нима бўлаётганлиги сўраганлиги, шу вақт [REDACTED] уни тепадан туриб олиб, яна уни сўкиб ҳақорат қилганлиги, шу сабабли у ян қайтиб [REDACTED]нинг уйига кирмоқчи бўлганлиги, уни профилактика инспектори мени тўхтатиб қолганлиги ва ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериб ёрдамчи куч жўнатишни сўраганлиги, бир оздан сўнг "УАЗ" автомашинасида 2 нафар ППХ ходимлари етиб келишганлиги, ППХ ходимлари билан ҳам тортишиб кетганлиги, бир-бири билан тортишиш вақтида ходим билан бирга йиқилиб тушганлиги, ППХ ходимлари уни хизмат автомашиналарига чиқариш учун қўлларини қайириб, "УАЗ" автомашиналарига солишмоқчи бўлишгани, у қаршилиқ кўрсатгани, бошқа бир ППХ ходими [REDACTED]ни қўлларидан ушлаб турганлигини кўриб, уни қўйиб юборишини айтиб, бақирганлиги, ППХ ходимларидан чиқиб кетишга ҳаракат қилганлиги, кейинчалик 3 нафар ИИБ ходимлари уни хизмат автомашиналарига чиқармоқчи бўлишганида, оёғини автомашина орқа томонига тираб автомашинага чиқишдан бош тортиб турганлиги, бироқ уни куч ишлатиб ИИБга олиб кетишганлиги, шу куни пичоқ қаердан келганлигини билмаслиги, маст ҳолда бўлганлиги ҳақида кўрсатув бериб, пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи [REDACTED] айбига иқроп бўлиб, 2021 йилнинг 2 июнь куни яшаш хонадонида шаръий никоҳ асосида бирга яшовчи турмуш ўртоғи [REDACTED] билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган вақтларида [REDACTED]нинг телефонида кўнғироқ бўлганлиги, телефонда бир аёл [REDACTED]ни сўкиб ҳақорат қилганлиги, у аёл киши бўлганлиги сабабли ушбу аёл билан ўзи гаплашмоқчи бўлиб телефонни олганлиги, бироқ, у аёл, яъни [REDACTED]ни турмуш ўртоғи [REDACTED] телефонда гапни тушунмай, уни ҳам сўкиб ҳақорат қилганлиги, шу сабабли ва маст



бўлганликлари учун ушба аёлнинг уйи, А.Қодирий кўчаси, 28-уйга борганликлари, [REDACTED]нинг шу уйдаги хонадонини чақирганликлари, уйни [REDACTED] ва [REDACTED] очганлиги, улар уйни киравериш каридорида ўзаро тортишиб кетганлиги, бақир чақир бўлганлиги, [REDACTED] уни уйдан чиқармоқчи бўлган вақтида [REDACTED] кўлини теккизмаслигини айтиб [REDACTED] билан жанжаллашиб кетганлиги, [REDACTED]ни урганлиги учун [REDACTED] ҳам [REDACTED]ни уриб юборганлиги, сўнг уларни [REDACTED] уйдан чиқариб юборганлиги, пастга уй олдида тушган вақтларида дастлаб профилактика инспектори келганлиги, шу вақт [REDACTED] тепадан туриб уларни сўкканлиги учун улар уй олдида бақириб уни сўкиб юборганликлари, [REDACTED]нинг уйига қайтиб чиқмоқчи бўлганлиги, профилактика инспектори йўл қўймаганлиги сабабли у билан тортишиб кетганлиги, бир оздан сўнг "УАЗ" автомашинасида 2 нафар ППХ ходимлари етиб келишганлиги, [REDACTED] улар билан ҳам тортишиб кетганлиги, шу вақт ерда ётган пичоқни кўриб, нохуш ҳолатни олдини олиш мақсадида пичоқни бир четга ташлаб юбормоқчи бўлган вақтида ИИБ ходимлари уни кўлини ушлаб олганликлари, буни кўриб [REDACTED] ИИБ ходимлари билан яна тортишиб кетганлиги, у шу куни бировни урмоқчи бўлмаганлиги, [REDACTED] ППХ ходимларига қўйиб юборишини уйига кетишини айтганлиги, бироқ уни ва [REDACTED]ни ППХ ходимлари автомашинага мажбурлаб чиқаришганлиги, уларни ИИБга олиб кетишганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ҳозирда пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда ҳақиқатан ҳам Фарғона шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ 1-минтақавий ҳудуд 1-батальон 4-отряд бўлинма командири лавозимида ишлаши, 2021 йил 2 июнь куни тунги навбатчилик вақтида [REDACTED] билан хизмат вазифасини олиб бораётганларида навбатчилик қисмида Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 28-уй олдида фуқаролар томонидан тартибсизлик бўлаётганлиги сабабли профилактика инспекторининг олдида ёрдамга боришлари ҳақида хабар келганлиги, улар ушбу ерга борган вақтларида судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED]лар 3-подъезд олдида профилактика инспектори [REDACTED]ни талабларига бўйсунмай бақир-чақир қилиб турганлигини кўриб, уларни тартибга чақирганликлари, аммо судланувчилар маст ҳолатда уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаганлиги, шу сабабли уларни хизмат автомашинасига чиқариб, у ердан олиб кетмоқчи бўлиб, [REDACTED]ни автомашина томон олиб бормоқчи бўлганида [REDACTED] қаршилиқ қилиб, унинг қонуний талабларига бўйсунмаганлиги, автомашинага чиқишдан бош тортганлиги, [REDACTED] ўзини орқага ташлаб, [REDACTED]ни устига йиқилганлиги, уларни ўрнидан турғизиб, [REDACTED] бақир-чақирни тўхтатмаганлиги, фаол қаршилиқ қилганлиги сабабли унинг қўлларига қўл кишани солишганлиги, [REDACTED] эса "эримни қўйворинглар" деб бақириб, уларга ёпишиб, турмуш ўртоғини чиқариб олишга уринганлиги, у [REDACTED]ни сал нарироқда ердан пичоқни олиб, қўли билан орқа тарафига яшириб олганлигини ва хизмат автомашина олдида биз томонга



қараб ҳаракатланиб келаётганлигини кўриб, дарҳол уни олдига бориб қўлидаги пичоқни беришини тушунтирганлиги, бироқ [REDACTED] ўз хохиши билан пичоқни бермаганидан сўнг унинг ўнг қўли биллагидан ушлаб, пичоқни беришини ёки ерга ташлашини тушунтирганлиги, [REDACTED] пичоқни тиф қисмидан қаттиқ сиқиб ушлаб олганлиги сабабли қўлини кесиб юборгани, сўнг пичоқни ерга ташлаганлиги, шундан сўнг уларни хизмат машинасига мажбурлаб чиқариб, ИИО ФМБ маъмурий биносига олиб кетганликлари, [REDACTED] хизмат автомашинасида ва ИИБда ҳам ўз ҳаракатларини давом эттириб, бақир-чақир қилганлиги ҳақида кўрсатув бериб, судланувчиларга нисбатан жазо масласини судга ҳавола қилди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда ҳақиқатан ҳам Фарғона шаҳар ИИБ ППХ ва ЖТСБ 1-минтақавий ҳудуд 1-батальон 4-отряд бўлинма командири лавозимида ишлаши, 2021 йил 2 июнь куни соат 19:00да Фарғона шаҳар ИИО ФМБ маъмурий биносида бўлиб ўтган кечки йўл-йўриқ жараёнида иштирок этиб, ҳамкасби [REDACTED] билан унга хизматда фойдаланиш учун бириктирилган "УАЗ" русумли давлат рақами 40 584 VSF бўлган автомашинада Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчасида жойлашган йўналиш бўйлаб хизматга чиққанликлари, шу куни тунга соат 2 ларда навбатчилик қисмида А.Қодирий кўчаси, 28-уй олдида фуқаролар томонидан тартибсизлик бўлаётганлиги сабабли профилактика инспекторига ёрдам етиб бориш ҳақида хабар келиб тушганлиги, у [REDACTED] билан бирга хизмат автомашинасида ушбу ҳудудга етиб борганлиги, 28-уй олдида ҳозирда судланувчи бўлган [REDACTED] ва [REDACTED] лар бақир-чақир қилиб, фуқаролар тинчлигини бузиб, профилактика инспекторининг қонуний талабларига бўйсунмаётганлигини кўрганлиги, шу сабабли [REDACTED] ни чақириб, унга фуқаролар осойишталигини бузмаслигини айтиб, уни тинчлантирмоқчи бўлганлиги, бироқ [REDACTED] маст ва агрессив ҳолатда бўлганлиги сабабли унга ҳам бўйсунмаганлиги, шунинг учун уни "УАЗ" хизмат автомашинаси орқа томонидаги махсус жойга чиқариб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш учун шаҳар ИИО ФМБ биносига олиб кетмоқчи бўлган вақтида бир неча шу кўп қаватли уйда яшовчи фуқаролар уларга эътироз билдириб, тартибни сақлай олмаётганликлари, нотинчликдан шикоят қилганликлари, [REDACTED] уятли сўзлар билан бақир-чақир ҳолатида давом этганлиги учун хизмат автомашинасига олиб чиқмоқчи бўлганликлари, [REDACTED] қаршилик қилиб, қонуний талабларига бўйсунмасдан, автомашинага чиқишдан бош тортиб, ўзини ноўрин тутганлиги сабабли уни орқа томонидан қўллари билан қўллари остидан қаттиқ ушлаб, уни бирон бир ножўя хатти-ҳаракат содир қилмаслиги ёки бирон фуқарога зарар етказмаслиги учун ушлаб турган вақтида унга қаршилик қилиб, хизмат автомашинасига яқин жойда [REDACTED] ўзини орқага ташлаб йиқилиб, уни босиб тушганлиги, ҳамкасби [REDACTED] ва профилактика инспектори [REDACTED] уларни тургизмоқчи бўлганлиги, шундан сўнг, жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини сақлаш мақсадида [REDACTED] ни "УАЗ" автомашинасини орқа томонига чиқармоқчи бўлганларида, судланувчи ўзини ноўрин тутиб, бизга фаол қаршилик



кўрсатганлиги, оёғини автомашина орқа томонига тираб олиб, қаршилиқ қилиб, автомашинага чиқишдан бош тортиб, бизни одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли хил сўзлар билан ҳақоратлагани, шу вақт [REDACTED] судланувчи [REDACTED] ни сал нарироқда ердан пичоқни олаётганлигини кўриб, бирор кишига зиён етказмаслиги учун уни қўлини пичоқ билан бирга ушлаб олганлиги ва пичоқни ерга ташлашини айтганлиги, [REDACTED] ўз хохиши билан пичоқни бермагани, шу вақтда [REDACTED] нинг қўлини пичоқни кесиб кетиб қон оққанидан сўнггина [REDACTED] пичоқни ташлаганлиги, сўнг уларни куч ишлатиб у ердан ИИБга олиб кетганиликлари ҳақида кўрсатув бериб, судланувчиларга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судда ҳақиқатан ҳам, Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 28-уй, 41-хонадонда яшовчи [REDACTED] билан шаръий оила қуриб бирга яшаши, 2021 йил 2 июнь куни таниши [REDACTED] билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги, шундан сўнг [REDACTED] нинг уйига келганлиги, шу куни тунги соат 00-50 ларда яшаш хонадонида ухлаб ётган вақтида судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] лар келиб уйи эшигини тақиллатиб, уйига кириб бақир-чақир қилишгани, у [REDACTED] дан ким келганлигини сўраган вақтида [REDACTED] унга [REDACTED] ва [REDACTED] лар билан телефон орқали жанжаллашганлигини, шу сабабли улар келганлигини айтгани, у бориб эшикни очгани, [REDACTED] уйга кириб [REDACTED] билан жанжаллашганликлари, у уларни ажратиб қўймоқчи бўлган вақтида [REDACTED] уни юзига қўли билан уриб юборганлиги, бақир-чақир бўлгани учун кўни-қўшнилари тинчи бузилиб, ИИБ ходимларини чақиришгани, [REDACTED] ва [REDACTED] лар подъездга кириш қисмига тушиб, бақир-чақирни давом эттиришаётган вақтида дастлаб профилактика инспектори, сўнг ППХ ходимлари келгани, [REDACTED] ва [REDACTED] лар кўчада ҳам жанжал қилганлигини кўрганлиги, шу куни [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг унинг уйига келишининг сабабини кейинроқ, турмуш ўроғи [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, унга спиртли ичимлик ичирмаслигини айтиб, телефонда жанжаллашиб кетганлиги учун судланувчилар унинг уйига келганлигини билганлиги, ҳақида кўрсатув бериб, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Гувоҳ [REDACTED] судда ҳақиқатан ҳам Фарғона шаҳар ИО ФМБ 1-сон ИИБ ХПГ профилактика инспектори лавозимида ишлаши, 2021 йил июнь куни ўз ҳудуди, Фарғона шаҳар А.Қодирий мавзесида тунги навбатчиликни олиб бораётган вақтида навбатчилик қисмидан А.Қодирий кўчаси, 28-уй олдида жамоат тартиби бузилаётганлиги, фуқаролар осойишталиги бузилганлиги бўйича хабар келиб тушганлиги, у ушбу ерга борган вақтида судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] лар шу уйнинг 3-подъезд олдида маст ҳолатда бақир-чақир қилиб, уятли сўзлар билан сўқиниб фуқаролар тинчлигини бузаётганлигини, 28-уй 41-хонадонда яшовчи [REDACTED] билан жанжаллашиб, турганлигини кўрганлиги, сўнг у [REDACTED] ва [REDACTED] ларга тинчлик сақлашини, фуқаролар дам олаётганлигини, бақир-



чақир қилиб жамоат тартибини бузмасликларини тушунтирганлиги, лекин улар унинг қонуний талабига бўйсунмасдан, ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттиришганлиги, яна қайта 41-хонадонга кирмоқчи бўлганлиги сабабли қўшимча ёрдам чақирганлиги, орадан бир неча дақиқа ўтгач ЖТСБ ва ППХ ходимлари [REDACTED] ва [REDACTED] лар "УАЗ" русумли хизмат автомашинада ёрдамга етиб келишгани, [REDACTED] ва [REDACTED] лар ўз ҳаракатларини давом эттиришгани учун уларни у ердан олиб кетмоқчи бўлишгани, бироқ [REDACTED] фаол қаршилик кўрсатгани, автомашинага чиқишдан бош тортиб, ППХ ходимлари [REDACTED] ва [REDACTED] лар билан тортишиб, [REDACTED] ни йиқитиб юборгани, автомашинага чиқишдан бош тортгани, [REDACTED] ҳам уларга ташланиб, [REDACTED] ни қўйиб юборишларини талаб қилиб бақир-чақир қилгани, [REDACTED] [REDACTED] нинг йиқилганида тушириб қолдирган пичоғини олиб олганлиги, [REDACTED] [REDACTED] ни қўлидан пичоқни тортиб олганлиги, судланувчиларнинг қўлига кишан солиб, ИИБга олиб кетишганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, гувоҳ [REDACTED] нинг кўрсатувларини тасдиқлаб, унинг кўрсатувлари билан бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] нинг содир этган жинояти уларнинг айбига иқроф бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг, гувоҳ [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг суддаги кўрсатувлари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар (и.в. 5-12), билдиргилар (и.в.35-36), далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома (и.в. 37), суд-тиббий экспертизасининг 2021 йил 9 июнь кунги 3807-сонли хулосаси (и.в. 52-53), наркология диспансери томонидан берилган 03.06.2021 йил кунги 01-06/45-сонли алоқа хати (и.в. 40) ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи [REDACTED] ва [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи уларнинг безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини кўрган ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган қилмишлари, ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан малакаланиб, тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 1-бандига кўра, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) кўпол тарзда бузиш тушунилади.



Жамоат тартиби кўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланади.

Қонун мазмунига кўра айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур ҳатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши лозим.

10-бандида, Безорилик ҳаракатлари давомида айбдор жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш (тўхтатиш) чорасини кўрган бошқа фуқароларга фаол қаршилик кўрсатса, бундай қилмиш **Жиноят кодекси 277-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан тўлиқ қамраб олинади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан кўшимча квалификация қилишни талаб этмайди.**

13-бандида, шахс ўз ҳатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан кўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] шаръий никоҳ асосида бирга яшовчи турмуш ўртоғи [REDACTED] билан бирга 2021 йил 3 июнь куни соат 01-00 ларда Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 28-уй 41-хонадонга маст ҳолатда арзирли сабабсиз келишиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимай, хонадон эшигини уриб тепиб, [REDACTED] хонадон эгаси [REDACTED] ни қўли билан уриб дўппослаб, тан жароҳати етказган. Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, судланувчи [REDACTED] билан бирга 2021 йилнинг 3 июнь куни соат 01-30 ларда Фарғона шаҳар А.Қодирий кўчаси 28-уй олдида [REDACTED] ва [REDACTED] билан жанжаллашиб, бақир-чақир қилиб, безорилик ҳаракатини содир этаётган вақтида, безорилик ҳаракатини олдини олиш чорасини кўриш учун чақирувга асосан етиб келган ҳокимият вакили ҳисобланган шаҳар ИИБ ЖТСБ ходимлари [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш ҳақидаги қонуний талабларини бажармасдан, уларга фаол қаршилик кўрсатишиб, ППХ ходимларининг хизмат автомашинасига чиқишдан ва ички ишлар органлари биносига боришдан бош тортишиб, оёқлари билан хизмат автомашинасига таяниб, [REDACTED] ни устига босиб тушиб, унинг хизмат кийимини қўллари билан тортиб йиртиб, унга тан жароҳати етказишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо



тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб,

- [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ушбу жиноий қилмишни маст ҳолда содир этганлигини инobatга олиш билан бирга, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳамда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, муқаддам судланмаганлиги, қилмишига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини ҳисобга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, қўшимча тақиқи (чеклов)лар юклашни, унинг қамокда сақланган кунларини ЖКнинг 62-моддаси тартибда тайинланган жазодан чегиришни;

- [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида ушбу жиноий қилмишни маст ҳолда содир этганлигини, илгари ҳам қасдан жиноят содир этиб, қасдан янги жиноят содир этганлигини инobatга олиш билан бирга, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳамда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг шахсини, ёлғиз қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги ҳамда ҳомиладор эканлигини, қилмишига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини ҳисобга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, қўшимча тақиқи (чеклов)лар юклашни, тайинланган жазо муддатига ЖКнинг 60-моддаси тартибда илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона ошхона пичоғини йўқ қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларини қўллаб

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан 4 (тўрт) йил муддатга



сутканинг соат 21:00 дан 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойи - Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 136-уй, 9-хонадондан чиқиши чеклансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] нинг 2021 йил 22 июлдан 2021 йил 26 октябрга қадар қамокда сақланган 96 куни тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой 24 (йигирма тўрт) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

[REDACTED] нинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзида сақламаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик қўшимча тақиқлари (чеклашлари) юклатилсин.

Жазо ўташ муддати [REDACTED] жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Фарғона шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ижро қилиш жойи этиб, Фарғона шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 136-уй, 9-хонадон белгилансин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган қамок эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги жазони ижро этиш Департаменти 2-минтақавий ҳудуд 10-сон тергов ҳибсхонасидан қамокдан озод қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] га ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги тушунтирилсин.

2. [REDACTED], Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан 4 (тўрт) йил муддатга сутканинг соат 21:00 дан 06:00 гача бўлган вақтида яшаш жойи - Фарғона шаҳар, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 187-уй, 7-хонадондан чиқиши чеклансин.

ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 4 (тўрт) йил 2 (икки) ой озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

[REDACTED] нинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзида сақламаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик қўшимча тақиқлари (чеклашлари) юклатилсин.

Жазо ўташ муддати [REDACTED] жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Фарғона шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Жазони ижро қилиш жойи этиб, Фарғона шаҳар, Қувасой кўчаси, 187-уй, 7-хонадон белгилансин.

█ га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи █ га ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона ошхона пичоғи йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Миножиддинов

Нусхаси аслига тўғри:

А.Миножиддинов

